

**Мактабгача Таълим Ташкилотларида Экологик Тарбия***Камилова Гулмира Алимовна<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ўйин болаларда экологик маданиятни ривожлантиришда катта ўрин эгаллайди. Улардан фойдаланиш кўрсатмалилик, дидактик принципига жавоб беради ва болалар тафаккури хусусиятларига боғлиқ бўлади. Мақолада мактабгача таълим ташкилотларида экологик тарбияни ташкил этиш тўғрисида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Мактабгача таълим, фаолият, амалий методлар, тарбиячи, ўқитиш, фан, табиатшунослик, атроф-муҳит, кузатиш, намуна кўрсатиш.

Мактабгача таълимда хилма-хил фаолият турларида малака ҳосил қилиш (машқ қилиш) амалий методлар орасида катта ўрин эгаллайди. Машқ қилиш натижасида болаларда керакли кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Амалий фаолият жараёнида тафаккурни ривожлантириш учун вазифани шундай қўйиш керакки, у болани мустақил таҳлил қилишга, берилган вазифани бажариш ва амалга ошириш йўллари белгилашга ундайдиган бўлсин. Унга тайёр намуна берилмайди, балки кўрсатилган объектга гул экиш ёки гулларга сув қуйиш каби топшириқлар берилади. Ўқитишнинг амалий методларидан фойдаланишда муттасил мураккаблашиб борувчи амалий топшириқлар системасини ишлаб чиқиш керак. Катта ва тайёрлов гуруҳ болалари амалий ишни режалаштиришга ўргатилади. Тарбиячи раҳбарлигида улар ишнинг асосий босқичларини ва ҳар бир босқичда фойдаланиладиган иш усуллари белгилашлари мумкин. Кичик ва ўрта гуруҳ болалари энг оддий формада масалан: “ мен гулларга сув қуяман, сўнг остини юмшатаман ” каби ишларни режалаштирадilar.

« Илк қадам » таянч дастурида болаларни табиат билан таништириш ишининг мазмуни ёритилиб, жонли ва жонсиз табиат, Ер қурраси, хайвонот дунёси, ўсимликлар дунёси ҳақида тасаввурларга эга бўлиш билим, малака ва кўникмаларни ривожлантириш йўналишлари белгилаб қўйилган эди. Бу талаблар болаларни биринчи навбатда уларнинг ўзларига қадрдон бўлган, улар туғилиб ўсган ўлкаларнинг табиати билан таништирилгандагина бажарилиши мумкин, чунки мактабгача ёшдаги боланинг билимини ривожлантириш уни ўраб олган борлик билан бевосита муносабатда бўлиши жараёнида амалга оширилади.

“ Илк қадам ” давлат ўқув дастурида Фан ва табиатшунослик / экология машғулоти киритилган бўлиб қуйидаги тарзда мавзулар тақсимлаб чиқилган:

**“Илк қадам” дастури асосида Фан ва табиатшунослик/ экология машғулотларининг гуруҳлар бўйича тақсимланиши**

№	Фан ва табиатшунослик /экология	Ўқув йили мобайнида			Соғломлаштирувчи давомида		
		Бир ҳафта ичида	Бир ой ичида	Ўқув йили мобайнида	Бир ҳафта ичида	Бир ой ичида	Ўқув йили мобайнида
1	3-4ёшли гуруҳлар	1/1	2/2	18/18	Тажрибалар, ўйинлар, викториналар-1	4	12
2	4-5ёшли гуруҳлар	1/1	2/2	18/18	Тажрибалар,	2/2	6/6

<sup>1</sup> Бухоро давлат педагогика институти в/б профессори., п.ф.н



					ўйинлар, викториналар- 1		
	5-6ёшли гуруҳлар	1/1	2/2	18/18	Тажрибалар ўйинлар, викториналар- 1	2/2	6/6
	6-7ёшли гуруҳлар	1/1	2/2	18/18	Тажрибалар, ўйинлар, викториналар- 1	2/2	6/6

Изоҳ: Атроф-муҳит ва табиат билан таништириш бошланғич таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда табиатшунослик ва экология асослари билан алмаштирилди, чунки табиатшунослик табиат объектлари, ҳодисалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларнинг умумийлигини белгилайди.

Фан ва табиатшунослик/экология машғулотларида паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантириш жараёнида тарбиячи қуйидаги хилма-хил метод ва усуллардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

1. **Кўрсатмали методлар** (кузатиш методи, намунани кўрсатиш, кинофильм ва диафильмлардан фойдаланиш, теварак-атроф билан таништиришга оид дидактик қўлланмалар)
2. **Оғзаки методлар** (топишмоқ, мақол, афоризмлардан фойдаланиш, ўқиш, суҳбат)
3. **Амалий методлар** ( машқ қилиш, тажрибалар ўтказиш)
4. **Ўйин методи** ( дидактик ўйинлар, қоидали ўйинлар, ижодий ўйинлар, эпизодик ўйин усуллари ( топишмоқлар, тақлид машқлари, бошқа топшириқларни бажариш оралиғидаги ўйин ҳаракатлари болаларда экологик маданиятни ривожлантиришда кўрсатмали методлар катта ўрин эгаллайди. Улардан фойдаланиш кўрсатмалилик дидактик принципига жавоб беради ва болалар тафаккурининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Жонли табиатни, объектни (ҳодисаларни) кўрсатмали куролларни (сурат, намуна ) намоиш қилиш кўрсатмали методларга киради.

**Кузатиш методи.** Кузатиш-инсоннинг атрофдаги оламда бор бўлган нарса ва ҳодисаларни мақсадга мувофиқ режали равишда маълум даражада узок ёки камроқ вақт идрок қилиши тушунилади. Болалар табиат ҳодисаларини яъни ўсимликлар ҳаётидаги, жонсиз табиатдаги ўзгаришларни кузатадилар.

Кузатишларни ташкил этишда қатор шароитларга риоя қилиш керак: кузатиш учун шундай жой ва шундай пайтни танлаш керакки, натижада болалар кузатиладиган объектнинг энг характерли хусусиятини кўра оладиган бўлсин; савол ва кўрсатмалар болалар диққат эътиборини кузатилаётган объектнинг турли белгиларига жалб этишга қаратилган бўлиши керак; болаларни саволлар билан чалғитмаслик, уларга қандайдир бошқа воқеалар ҳақида гапирмаслик, шеър ўқимаслик ёки топишмоқлар айтмаслик даркор. Кузатиш вақтида диққат-эътибор объектга бутунлай йўналтирилган бўлиши керак.

Кузатишлар фақат машғулотларда эмас, балки кундалик ҳаётда ҳам ташкил этилади. Улар қисқа вақтли ( об-ҳавони, қушлар, балиқлар, ҳайвонлар ҳатти-ҳаракатини кузатиш) ва узок муддатли ( ўсимликларнинг ўсишини, мавсумий ҳодисаларни кузатиш) бўлиши мумкин.

**Намунани кўрсатиш**-тарбиячи томонидан берилган жумбоқ жавобини топиб сўнг уни расмини чизишда намунадан фойдаланишлари мумкин.

Фан ва табиатшунослик /экология машғулотларида кўпинча суратлар, иллюстрацияларни кўрсатишдан фойдаланилади. Суратлар ва иллюстрацияларда тасвирланган табиат манзарасини



бир вақтнинг ўзида кўрсатиш учун сурат катта ўлчамда, унда тасвирланган предметлар йирик ва аниқ бўлиши керак.

**Кинофильм ва диафильмлардан ўқитишнинг кўрсатма** воситалари сифатида фойдаланишлари мумкин. Кинофильм ва диафильмлардан фойдаланиш ўқув жараёнини кизиқарли қилади, тарбиячининг болаларни теварак-атроф билан таништириш имкониятларини кенгайтиради, чунки бу йўл билан ҳар кун кўриш мумкин бўлмаган табиат ҳодисалари кўрсатилиши мумкин. Масалан, қор ёғиши, жала қуйилиши, ёмғирдан сўнг камалак пайдо бўлишини ҳар кун кўриб билмайди. Ҳар бир табиат ҳодисалари ўз фаслига қараб содир бўлишини англайдилар.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларга паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантиришда педагогик шароитлар яратилган: табиат бурчаклари, топишмоқ, матал ва афоризмлар жамланган китобчалар бўлиши, табиатга оид диафильмлар тўплами, Фан ва табиат марказида қум, сув ва турли хил мевалар уруғлари, тажрибада ишлатиладиган барча жиҳозлар ҳозирлаб қўйилган бўлиши керак.

Паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантиришда кўрсатмалиликни таъминлаш мақсадида дастурда кўрсатилган барча машғулотлар учун дидактик қўлланмалар ва материалларга эга бўлиш керак.

Натурал предметлар, намойиш қилиш учун махсус танлаб олинган ўйинчоқлар, шунингдек, суратлар, паремик жанрлар намуналари тўплами, табиат манзарлари, йил фасллари, табиий бойликлар тасвирлари, мева ва сабзавотлар муляжлари дидактик материалларни ўз ичига олади.

Машғулотларда қўлланиладиган қўлланмаларга муайян талаблар қўйилади;

1. Аниқ ўқув-тарбиявий вазифаларга жавоб бериши;
2. Болаларнинг ёшига мослиги;
3. Чиройли, бадиий, болани ўзига жалб қила олиши;
4. Сифатли қилиб тайёрланган бўлиши

**Оғзаки методлар** ( топишмоқ, мақол, афоризмлардан фойдаланиш, ўқиш, суҳбат )

Кўрсатмали методлар билан сўз билан яқин алоқада фойдаланилади, кўрсатиш албатта тушунтириш билан қўшиб олиб борилади. Тушунтириш туфайли болаларнинг бевосита идрок қилиши ойдинлашади.

Топишмоқ, мақоллар болаларни теварак-атрофдаги ҳодиса ва воқеалар тўғрисидаги, табиат ҳақидаги маълумотларни баён қилишда тарбиячи топишмоқлардан фойдалиниши мумкин. Масалан, ўйиб олдим изи йўқ, жавоби сув бўлган ушбу топишмоқни айтишдан мақсад тарбиячи болаларга сувни тежаш, уни исроф қилмасликни, сув бўлмаса экинлар, гул ва дарахтлар ўсиб чиқмаслиги, инсонлар ва жонли ҳайвонлар ҳам яшай олмасликларини тушунтиради. Масалан:

Бир бошок дон

Бир сават нон,

Дон аяган донга етар,

Нон аяган -нонга,

Донни йиққан донодир.

Қарға келди -қиш келди.

Ёз меваси -қиш хазинаси.

Ёмғир-экиннинг жони

Тоза ҳаво -дардга даво.



Токқа ёғса, чўл обод,

Чўлга ёғса, эл обод.

Токқа қалин қор тушгани

Ернинг қониб сув ичгани.

Тоғ ҳавоси - дард давоси

каби табиат ҳодисалари билан боғлиқ мақоллар маъноси тушунтириб берилади. Танлаб олинган топишмоқ ва мақоллар болалар учун тушунарли ва ёшига мос бўлиши керак.

### **1.Амалий методлар ( машқ қилиш, тажрибалар ўтказиш)**

Билимлар ўзлаштирилган бўлиши учун амалий фаолиятда қўлланилиши зарур. Шу муносабат билан ўқитишда болаларнинг амалий фаолиятини ташкил этишга, уларнинг янги билимларни ўзлаштиришга, малака ва кўникмаларни эгаллашига ёрдам берувчи методлардан фойдаланилади.

Болалар олдига аниқ вазифа қўйиш амалий методларнинг муҳим элементиدير. Бунда топширик тайёр намуна бўйича (нимани бажариш керак) ёки кўрсатмалар бўйича (қандай бажариш керак) бажарилиши мумкин.

**Ўйин методи** ( дидактик ўйинлар, қоидали ўйинлар, ижодий ўйинлар, эпизодик ўйин усуллари (топишмоқлар, тақлид машқлари, бошқа топшириқларни бажариш оралиғидаги ўйин ҳаракатлари).

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўқитишда ўйин методлари ва уларда ўқитиш мазмунига кизиқиш уйғотадиган, билиш фаолиятини кичкинтойлар учун характерли бўлган ўйин фаолияти билан боғланишини таъминлайдиган усуллар катта ўрин эгаллайди. Булар қаторига дидактик ўйинлар, драмалаштирилган ўйинлар, эпизодик ўйин усуллари (топишмоқлар, тақлид машқлари, бошқа топшириқларни бажариш оралиғидаги ўйин ҳаракатлари) киради. Масалан: “ Қўғирчоқни сайрга олиб чиқамиз ” дидактик ўйини орқали болалар сайр давомида атроф олам билан танишадилар, тарбиячи болаларга табиат об-ҳавоси ҳақида , дарахтлар, гуллар , одамлар меҳнати ва уларнинг меҳнатини қадрлаш лозимлиги, атрофни ифлос қилмаслик тўғрисида апириб беради. Катта ва тайрлов гуруҳларда дидактик ўйин одатда машғулот қисмларидан бири бўлади.

Юқоридагиларнинг барчаси мактабгача таълим ташкилотларида экологик маданиятни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Илк қадам” Такомиллаштирилган Давлат ўқув дастури. Тошкент.2022 йил
2. “ Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ” Тошкент. 2018 йил
3. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида.Тошкент ,2020 йил 22 декабрь, 802-сон қарор.
4. “Илк қадам ” Такомиллаштирилган Давлат ўқув дастури. Тошкент. 2022 й
5. “ Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ”. Тошкент. 2018 йил
6. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини назорат қилиш тўғрисида. 2020 йил, 22 декабр, 802-сон Қарор.

